

## Ўлим ҳақ. Бироқ биз тайёрми?

Image not found or type unknown



17:00 / 25.11.2020 3558

Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср олдин айтган илмий ҳақиқатлардан бири ҳақида сўз юритсак. Бу кексалик ва ўлим сирларига оид бўлиб, бу мавзуга доир сўнгги илмий кашфиётларни кўриб, Қуръони Каримда баён қилинган оятларни ўргансак.

Танаккус ҳеч қачон тўхтатиб бўлмайдиган жараёндир.

Араб тилида «танаккус» деб аталган сўз ўзбек тилида «кексайиш», «заифлашиш», «кучдан қолиш», «қариб, хотирадаги илмлар кетиб, ёш боладек бўлиб қолиш» каби маъноларни билдиради. Қуръони Каримда умр узайгани сайин тананинг мўртлашиб, кучдан қолиши, қувват кетиши баён қилинган. Ҳар қандай тирик ҳужайра фаолиятини бошлаши билан ўлим жараёни ҳам бошланади. Олимларнинг айтишича, ҳар бир яратилган тирик ҳужайра ўлим сари кетиб боради. Ҳужайранинг азалий яшаши мумкин

эмас! Чунки ҳужайранинг тузилиши куни келиб ўлиши учун яратилганини кўрсатади.

Юлдузларда бўладиган жараён қандай бўлса, ҳужайраларда ҳам шундай бўлади. Юлдузлар аввал бошда ўладиган қилиб яратилгандир. Улар ўзидаги ёқилғисини ишлатиб бўлгач, ўлиб, бошқа ҳолатга ўтади. Бундай жараён ўсимликларда ҳам, ҳашаротлар оламида ҳам бўлади. Коинотдаги ҳар бир нарса охирида ўлишга мослаб яратилган. Энг сўнгги илмий тадқиқотлардан бирида айтилишича, коинотнинг ўзи ҳам ўлади. Олимлар коинот завол, ўлим сари кетаётганини таъкидлашяпти.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

مُكِّنَّا لَهُ الْعِزَّةَ وَالْجَلَالَۗةَ ۗ وَآلَآءِۙنَا لَآ تُحِۙرُكَ ۗ وَهُوَ الْعَلِۙمُ الْغَلِۙبِۗءُ  
نُفُۙعُ حُرَّتِہٖۚ لَآۤ اِوۙ

**«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилма. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлувчидир. Ҳукм Уникидир ва фақат Унгагина қайтарилурсиз»** (Қосос сураси, 88-оят).

Ушбу оят Аллоҳ таолодан бошқа барча нарса ўлишини таъкидламоқда.

Ҳужайраларнинг ўлиш жараёни тартибли тарзда бўладиган жараёндир. Уни тўхтатиб бўлмайди. Бошида ҳужайра ўлим сари секинлик билан ҳаракатланади, лекин ҳужайра ҳаётининг ярмидан сўнг ўлим сари ҳаракати тезлашади. Кексайиш бошлангани сари ҳужайраларнинг сустлашиши, заифлашиши тезлашади. Шу тарзда ҳужайра яратилгач, ўсиб, етилиб, сўнгра қаришга, кексайишга ўтади ва охирида фаолиятдан қолиб, ўлади. Ушбу ҳолат барча жонзотларда бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

دَعَبۙ نَمۙ لَعَلَّۙ مَثۙ ؕ وَّقَوِّۙ فَعَصَّۙ دَعَبۙ نَمۙ لَعَلَّۙ مَثۙ ؕ فَغَضَّۙ نَمۙ مۙ كَقَلۙ خِۙ دَّالۙ ؕ لَآۙ  
رِيۙ دَقۙ لَآۙ مِيۙ لَعَلَّۙ ؕ وَهُوَۙ ؕ اَشۙ يۙ اَمۙ قُلۙ خِۙ يۙ ؕ بۙ يۙ شَوۙ اَفۙ غَضَّۙ ؕ وَّقَوِّۙ

**«Аллоҳ сизни заифликда яратган, сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган, сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қарилик ориз қилган Зотдир. У хоҳлаганини яратадир. У ўта билувчидир, ўта қодирдир»** (Рум сураси, 54-оят).

Аввал заифлик, кейин куч-қувватга тўлиш даври ва охирида яна заифлик. Субҳаналлоҳ!

Кейинги ўрганишлар асносида олимлар инсонни тўғри овқатланиш тартибига амал қилдириш орқали хужайранинг умрини узайтиришга муваффақ бўлдилар. Лекин қисқа муддатга. Яъни, агар сиз кўпроқ яшашни истасангиз, таом ва ичимликларни истеъмол қилишда исрофга йўл қўймаслигингиз керак. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

اَوْفِرْ سُبُطَ الْوُؤُبْرِشْ اَوْ اُولُكْ وِ دِجْ سَمَلُّكْ دَنْعْ مُكْتَنِي زِ اَوْ دُخْ مَدَا يَنْبِ اِي  
نِي فِرْسُ مَلِّ اَبْحِي الْاِنَّ

**«Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатиңизни олинг. Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас»** (Аъроф сураси, 31-оят).

Барчамизга маълумки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар этиб юборилган пайтларида атроф хурофотлар ва абадий яшайдиган кишилар ҳақидаги қиссаларга тўла эди. Мана шундай хурофотлар тўлиб-тошган замонда инсон ўзича «Барча одамлар яқинда ўладилар» деб айта олмайди. Лекин бу ишни Қуръони Карим қилди.

Қуръони Каримда шундай оят бор:

ةَدِّيْ شُمَّجْ وُرُبِّيْ فِ مُمْتَنُكْ وَّلَوْ تَوَمَّلْ اَمْ كَرْدِيْ اَوْ نُؤَكْتِ اَمَنِيْ ا

**«Қаерда бўлсангиз ҳам, ҳаттоки мустаҳкам қалъаларда бўлсангиз ҳам ўлим сизни топадир»** (Нисо сураси, 78-оят).

Абадий яшаш ҳақидаги қиссалар кўпайган пайтда бирор инсон ўзича шу гапни айта оладими? Ҳар бир инсон куни келиб ўлиши аниқлигини эълон қила оладими? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлмайд яшаш ҳақидаги хурофотлар кўпайган пайтда ушбу оятни одамларга қироат қилиб беришлари у зотнинг ҳақ пайғамбар эканликларига далилдир. Чунки ўша даврда Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким башариятнинг ўлишини, Ўзидан бошқа ҳеч ким абадий қолмаслигини айта олмайди. Мазкур оятни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи нозил қилгандир! Одамларга уни эълон қилишни Ўзи буюргандир!

Олимлар хужайранинг қариш жараёнини тўхтатадиган дори ишлаб чиқара оладиларми? Албатта, йўқ! Чунки хужайра аслида қариш, ўлишга мослаб яратилган. Инсон қарийдиган, бир кун ўладиган қилиб яратилган. Бугун олимлар ушбу ҳақиқатни тан олиб, таслим бўляптилар.

**Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида Нозимжон Ҳошимжон  
тайёрлади**